29997

ҚЎШИҚ, КУРАШ, КЎПКАРИ

ҚАШҚАДАРЁ.Нишон туманидаги Талимаржон ГРЭСи яқинидаги Оловуддин кенгликларида Наврўз ўзига хос нишонланди. Шаҳар, қишлоқлар, туман марказлари, Туркманистон билан чегарадош масканлардан меҳмонлар келишди. Йиғилганларни вилоят ҳокими О.Пармонов табриклади. Ўзига хос тантанада қўшиқ, кураш ва кўпкари баҳслари уйғунлашиб кетди.

Илҳом КАРОМОВ.

ҲУНАРМАНДЛАР БОР БЎЛСИН

АНДИЖОН. Чинободлик уста Нурматжон Шарипов оддий қовоқлардан нафис ва бежирим буюмлар тайёрлаш билан танилган. Уста қўлида сайқал топган буюмларда авлодларимиз мероси, истиқлол руҳи ўзига хос маъно топади. Халқимиз ҳунармандчиликни эъзозлаб, уни ривожлантириш билан бир қаторда таниқли ва тажрибали усталар-аньанасига содиқ қолмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ЙИЛФИКУН

3 воқеалар, янгиликлар, ахборлар, фактлар

"ОРЗУЛАР ПАРВОЗИ"

НАМАНГАН. Шаҳардаги кимёгарлар клубида ташкил этилган "Тумор" бадиий галереясининг янги кўргазмасига ана шундай ном берилди. Кўргазмага маҳаллий ва қўшни вилоят, шунингдек, шаҳарларда истиқомат қилувчи 35 нафар мусаввирнинг 200 дан ортиқ асари қўйилган.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

СУВДАЙ СЕРОБ БЎЛИНГ

БУХОРО. Вобкент шаҳар аҳолисининг қувончи чексиз. Бу ерга ичимлик суви етказиб келинди. 2-қишлоқ қурилиш трестининг 46-кўчма механизациялашган жамланмаси бунёдкорлари 2,1 километрга қувур ётқизиб, сув йўлини очишди. Вобкентлик кексалар Дамхўжа сувидан ичарканлар бунёдкорларни сувдек сероб бўлинг, деб дуо қилишмоқда.

Даврон БАХРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 3 апрель, пайшанба № 40 (22.124).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПЛЁНКА ОСТИГА ОЛИБ

СИРДАРЁ. Вилоятда чигит экиш 10-15 кун илгари бошланди. Бу чигитни плёнка остига олиш хосиятидан. Бу йил 141 минг гектарда ҳосил етиштириб, давлатга 325 минг тонна пахта сотиш мўлжалланган. Гулистон, Боёвут, Сайхунобод ва Сирдарё туманлари далаларида деҳқончилик ишлари авжида. Ўзига хос катта тадбирни муваффақиятли ўтказишга бағишланган махсус кенгаш ўтказилди. Кенгаш ишига вилоят ҳокими Ў. Исмоилов якун ясади.

Абдужалил УМАРОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Исроил ҳукуматининг яҳудийлар учун Шарқий Қуддусда янги турар жойлар қуриш ҳақидаги режаси фаластинликларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлмоқда.***

Куни кеча Газо шаҳрининг яҳудийлар яшайдиган Кфар-Даром ва Нецар туманларида номаълум шахслар томонидан иккита бомба портлатилди. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким шикастлангани йўқ.

* * *

☑ ***Деҳли шаҳрида Ҳиндистон билан Покистон ташқи ишлар вазирликлари вакилларининг ушбу икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштириш масаласига бағишланган музокаралари бўлиб ўтди.***

* * *

☑ ***Испанияда юз берган темир йўл ҳалокати туфайли 21 киши ҳалок бўлди.***

* * *

☑ ***Ҳиндистон Президенти Бош вазир Деве Говда ҳукуматига 11 апрелгача мамлакат парламентидан ишонч ёрлиғи олишни таклиф этди.***

* * *

☑ ***Билл Клинтон генерал Уэсли Кларк номзодини НАТОнинг Европадаги бирлашган қуролли кучлари қўмондонлиги лавозимига таклиф этди.***

* * *

☑ ***Россиянинг ҳарбий кемалари ЖАР ҳарбий флотининг 75 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун Жанубий Африка Республикаси қирғоқларига етиб келди.***

* * *

☑ ***Чеченистон Республикаси Президенти Аслон Масхадов Жоҳар Дудаев ҳалок бўлган кунининг бир йиллигини нишонлаш юзасидан мотам тадбирлари ўтказишни кўзда тутувчи фармонга имзо чекди.***

* * *

☑ ***Австриядаги қурол-аслаҳалар ишлаб чиқарувчи заводда кучли портлаш юз берди.***

* * *

☑ ***Покистон сенати ва парламенти бугун мамлакат конституциясига Президентни қатор ҳуқуқлардан маҳрум этувчи тузатишлар киритишни маъқулладилар.***

* * *

☑ ***АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт яқин кунларда Яқин Шарққа йўл олади.***

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АФИНАДАГИ МУЛОҚОТЛАРИ

Афина, 2 апрель (ЎзА мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади). Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Грецияга ташрифининг учинчи куни эрталаб Афина марказидаги «Номаълум аскар» ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Давлатимиз раҳбари Греция парламенти раиси А. Какламанис билан учрашди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда ҳар икки давлат қонун чиқарувчи органлари фаолияти алоҳида аҳамиятга эгалиги таъкидланди, парламентлараро алоқаларни йўлга қўйиш борасида фикр алмашилди.

И. Каримовнинг Грецияга ташрифидаги энг муҳим мулоқотлардан яна бири — Афина савдо-саноат палатасида бўлди. Мамлакатимиз раҳбари Греция ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашиб, уларга Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароит, юртимизнинг бой имкониятлари ҳақида сўзлаб берди. Президентимизнинг грек тадбиркорлари билан учрашувга алоҳида эътибор бериши бежиз эмас. Зеро, бугун мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бунда нафақат ҳукумат даражасида, балки икки мамлакат вазирликлари, турли корхоналари ва тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилиши ғоят муҳимдир. Учрашувда грек тадбиркорлари Ўзбекистонда бизнес ишини йўлга қўйиш имкониятларига оид ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Президентимизнинг Грецияга расмий ташрифи бугун ниҳоясига етади.

(ЎзА).



ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида» 1997 йил 23 январдаги Фармонига мувофиқ тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилганлиги муносабати билан 1997 йилги Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига асарларни тақдим этиш муддати 1997 йилнинг 4 апрелидан шу йилнинг 4 июнигача белгиланганлигини маълум қилади. Мазкур мукофотга сўнгги тўрт йил мобайнида яратилган, кўргазмага қўйилган ёки бошқа тарзда эълон қилинган монументал, тасвирий санъат, меъморчилик, меъморчилик-бадиий таъмирлаш ва ҳайкалтарошлик асарлари кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

Давлат мукофотлари қўмитаси айни вақтда олдин эълон қилинган Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига қўшимча номзодлар тақдим этиш муддати ҳам шу йилнинг 4 июнигача узайтирилганини маълум қилади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотларига фақат адабиёт ва санъат асарларигина тақдим қилиниши мумкинлигини билдиради.

Мукофотга сазовор бўлган муаллифлар ва асарлар номи Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжат тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

700000, Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқай кўчаси, 1-уй. Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси. Телефон: (3712) 34-83-54.

ЎЗ ҚАДРИНИ ТОПАЁТГАН САНЪАТ

Муносабат

Адолатли Қонун ва Фармонлар эл саодати, юрт ободлигини кафолатлайди. Куни кеча Президентимиз «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» яна бир эзгу Фармонга имзо чекди.

Одамзот дунёга келгандан буён Ер юзида кўз илғамас ўзгаришлар, ақл бовар қилмас мўъжизалар содир бўлганлиги барчага аён. Табиатнинг ҳеч бир қирраси йўққи, унга инсон қўли тегмаган бўлса! Шунинг учун ҳам оламдаги жамики халқлар қўл меҳнати, қўл қудратини тан олади ва қадрлайди. Айниқса, бизнинг юртимизда ҳунармандларнинг қадри, мавқеи азал-азалдан баланд бўлган. Ахир «Қандакорлар шаҳри», «Пичоқчилар кўчаси», «Чилангарлар маҳалласи» каби номлар ҳам уларга нисбатан эл ҳурматининг ифодаси сифатида пайдо бўлган-ку!

ХХ асрнинг алғов-далғовли йилларида, шўро ҳукуматининг мудҳиш сиёсати айни авжига чиққан пайтларда ҳаётимизга қудратли техниканинг кириб келаётгани баҳонаси билан халқ ҳунармандлари назардан, эътибордан четроқда қолиб кетди, юксак маҳорат билан қўлда ишланган санъат асарларига муносиб баҳо берилмай қўйилди. Лекин халқ усталари ўз меҳнатлари бир кунмас бир кун қадр топишига ишондилар ва бу такрорланмас санъат асарларини яратиш йўлларини авлоддан авлодга мерос қилиб қолдиравердилар.

Халқ ҳунармандларининг эзгу ниятларини рўёбга чиқариш, уларга етарлича шарт-шароитлар яратиш, давлат томонидан моддий ва маънавий мадад бериш ва ниҳоят, Ўзбекистонимиз кўзгуси, халқимизнинг юзи, кўзи, обруси ва мартабаси бўлмиш ноёб бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъатимизни жаҳонга олиб чиқувчи ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти жуда айни муддаодир.

Фармонга мувофиқ, бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган шахслар шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб 5 йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод бўладилар. Ўз маҳсулотларининг нархларини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайдилар.

Фармоннинг «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» унвонини таъсис этиш, халқ усталари «Усто» бирлашмаси ва «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази ҳузурларида халқ ҳунармандларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида бўлимларга эга бўлган «ҲУНАРМАНД» уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги бандлари шуниси билан диққатга моликки, яқин йилларда келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг барча ҳунармандлари бир мақсад йўлида бирлашиб, баланд руҳ билан бутун дунёга кўз-кўзлашга арзигулик, халқимизнинг миллий қиёфасини намойиш этувчи юксак санъат асарларини яратадилар. Энди республика қонунчилиги томонидан халқ ҳунармандларига бериладиган ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимоя қилинади. Усталар бор имконларини ижодий изланиш учун сарфлайдилар.

Фармон бўйича «Ҳунурманд» уюшмасига 150 миллион сўм, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки маблағи ҳисобидан 50 миллион сўм, Меҳнат вазирлигининг иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан — 50 миллион сўм, Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси ҳисобидан 50 миллион сўм молиявий ёрдам кўрсатиш назарда тутилганлиги ҳам улуғ ниятлар йўлидаги қутлуғ қадамдир.

Тупроғимиз — олтин деган ибора муболағадек туюлиши мумкин. Бироқ халқ усталари ўз қўллари тафтини бериб оддий тупроқни олтинга айлантираётгани рост-ку!

Зеро, халқ ҳунармандлари ва амалий санъат усталари ўз қадрини топаётганидан қувончимиз чексиз. Улар халқимизнинг фахри, ғурури, шаъни. Уларнинг салоҳияти туфайли беихтиёр мўъжизалар содир бўлишига ишонгимиз келади. Кўнглимиздаги ҳайрат ва ҳавас туйғулари улғаяди. Яқин кунларда устоз ҳунармандларни «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» деган юксак унвон билан қутлаш бахти сизу бизга ҳам насиб этади деган ниятдамиз.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА, «Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

...ВА ХЕЛЬСИНКИДАН МОСКВАГАЧА

МДҲнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси хусусида баъзи мулоҳазалар

«Артхашастра»дан Ялтагача, Ялтадан Хельсинкигача» сарлавҳаси остидаги ўтган чиқишимизда («Ўзбекистон овози», №37) АҚШ ва Россия раҳбарларининг Хельсинки (21 март) учрашувларига ҳинд донишманди Каутилйанинг давлатлараро муносабатларга берган 2400 йил бурунги таърифи нуқтаи назаридан баҳо бераркан-миз, моҳият эътибори билан Хельсинкида бирон янгилик бўлмаганига ишора қилгандик. Ҳақиқатан ҳам учрашувнинг бош мавзуси — НАТОнинг шарққа қараб силжиши масаласида томонлар ўз фикрларида қолдилар. Аниқроқ айтсак, Россия ўз позициясида қолди, НАТО эса шарққа суриладиган бўлди. Июнда Мадридда ҳал бўлиши керак ҳисобланган масала икки-уч ой бурунроқ маромига етди. Албатта, бу Ғарб дипломатиясининг навбатдаги ғалабасидир.

Россия-АҚШ раҳбарлари учрашувларидан фарқли ўлароқ Россия-Финляндия музокаралари баҳонасида бир янгилик содир бўлди. Мухбирлар ҳузурида сўз олган Ельциннинг қуйидаги айтганларига эътибор берайлик: «Россия Болтиқбўйи мамлакатлари билан яқинлашиш йўлида ўзининг яхши ниятлари борлигини намоён қилади ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашни кафолатлайди». Россия раҳбарияти мазкур қарорга Клинтон билан учрашув муваффақиятсиз тугагандан сўнг дабдурустдан келдими ё у олдиндан, ҳар эҳтимолга қарши, иш чаппасига кетиш вариантида заҳира сифатида сақланганми, буни аниқ айтиш қийин, албатта. Зеро то шу чоққача, амалда ҳам, огизда ҳам тазйиқ ва дўқ-пўписа усули билан ҳаракат қилиб келган томоннинг ўзаро муносабатларни «замонавий ва маданий» тарзда йўлга қўйишга интила бошлаши эътибордан четда қолмаслиги керак. Албатта, биз бирдан эриб кетиб, лаққа тушиш керакмаслигини ҳам назардан қочираётганимиз йўқ. Мазкур «яхши ниятли» сўзлар «бир қадам орқага, икки қадам олдинга» усулидан келиб чиққан ҳолда айтилган бўлиши ва унинг бошқаларга ҳам тегишлилиги ҳеч гапмас. Зеро, МДҲ раҳбарларининг Москвадаги йиғилиши (28 март) ва Россиянинг Ҳамдўстликка нисбатан тутаётган энди-ги сиёсати шунга ишора. Ушбу сиёсат таҳлилига ўтишдан олдин ўтган йиллар манзарасини кўз олдимизга келтирсак.

Петр I замонида расман эълон қилинган (1721 йил) Россия империясининг белини синдирган омил, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Украинанинг ўз мустақилликларини эълон қилишлари билан боғлиқ. Гарчи бугун ҳам баъзилар «иттифоқ»нинг парчаланишида М. Горбачёвни айбласаларда, аммо ўша йиллар сиёсий муносабатларини чуқур ва холис таҳлил қилиш шуни кўрсатяптики, империяни заифлаштириб, оқибатда парчалашда Ўзбекистон ва Украина омили асосий ўрин тутган. Биргина мисол. 1990 йилнинг март ойида Ўзбекистонда Президентлик бошқарувининг жорий этилишига биз асосан мамлакатимиз нуқтаи назаридан баҳо бериб келамиз. Агар бу воқеага метрополия-мустамлака муносабатларидан келиб чиқиб ёндошсакчи? Унда берилаётган баҳо бутунлай ўзгаради. Зеро ҳеч қачон империя шароитида иккита президент бўлиши мумкинмас. Бундан ташқари Ўзбекистоннинг мазкур «ўзбошимчалиги» касали бошқа мустамлака-республикаларга юқиб, тез орада уларда ҳам президентлар пайдо бўлгани, натижада империяни империя қилиб турган сиёсий бошқарув тизими заифлашиш йўлига кирганини ҳам бугун баралла айтиш керак. Худди шунингдек, Ельцин учун М. Горбачёв омилини бутунлай йўққа чиқаришда Украина раҳбарининг Беловеж шартномасига чеккан имзоси қўл келгани аниқ. Мазкур воқеаларни эслатишдан мақсад шуки, бугунги кунда Ҳамдўстлик тақдирини ҳал этишда етакчи ўрин эгаллаётган Ўзбекистон ва Украина омили бежиз эмас ва у буш жойда юзага келгани ҳам йўқ.

МДҲнинг ташкил топиши масаласига келсак, Ўзбекистон раҳбари таъбири билан айтганда, «МДҲ бизнинг иродамиз билан пайдо бўлгани йўқ, уни бошқалар тузишган. Урта Осиедаги давлатларнинг унга қўшилишдан бошқа иложлари қолмади. Ўшанда, башарти биз бу ерда ўзимизнинг яна бир МДҲмизни бошқа бирон тусда тузсак, нима бўларди». Ҳақиқатан, ҳам нима бўларди? Бошданоқ абадий тарзда ушлаб туриш учун атайин кўринмас иплар билан иқтисодий жиҳатдан боғлаб ташланган маконларнинг алоҳида-алоҳида тараққиёт йўлига кириши оқибатларини тасаввур қилиш қийинмас. Чунки, биз — мустақил давлатлар империя сиртмоғидан қўпқуруқ, ҳеч нарсасиз чиққандик. На миллий валютамиз, на мустақил фаолият кўрсатишга қодир иқтисодий тузилмамиз, ҳатто қўшни мустақил давлатлар билан ўзаро муносабатларимизни тартибга солиб турадиган тегишли ҳуқуқий асосларимиз ҳам йўқ эди. Ҳуллас, ўшанда бирдан-бир тўғри йўл танланди — ўн бир мамлакат қатори Ўзбекистон ҳам Ҳамдўстлик таркибига кирди. Кези келганда шуни ҳам қайд этиш лозимки, Ҳамдўстликсиз Россия ҳам яшай олмасди. Зеро, унинг иқтисодий турмушини таъминлаб келган кўплаб манбалар, энг аввало хом ашё манбалари мустақил давлатлар ҳудудида мужассамлашганди.

Ҳамдўстлик аъзоларининг дастлабки уч-тўрт йиллик ҳаётларини ҳар бир давлат учун сиёсий оёққа туриш босқичи десак тўғри булади. Жумладан, Россия учун ҳам. Ельцин учун энг муҳими яқин йиллар ичида ўз мавқеини мустаҳкамлаб, уни қўллаб-қувватлайдиган тегишли ижтимоий база яратиш вазифаси турарди. Зеро, «СССР» парчаланган билан Россиядаги коммунистик қатлам ҳали ниҳоятда қудратли эди. Шунинг учун ҳам Ельцин хусусийлаштириш (приватизация) сиёсатига зўр беради. Ўшанда ҳам, бугун ҳам «приватизация-ваучеризация» сиёсатига баҳо беришда россиялик таҳлилчилар, олимлар, журналистлар ва бошқалар мақсаднинг энг асосий қисмини эътибордан четда қолдириб келадилар. Ваучеризациядан мақсад коммунистик мафкуранинг асоси бўлмиш социалистик мулкчиликка зарба бериш эди. Коммунистларнинг иқтисодий таянчини йўққа чиқариш режаси қўйилганди. Бу жараён қандай кечгани, унинг оқибатлари қанчалар аянчли бўлганидан қатъи назар Чубайс бу вазифани

(Давоми 3-бетда).

ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИМИЗ НЕГА БОЗОРБОП ЭМАС!

«Ўзқурилишматериаллари» концерни раиси жаноб Акром ИБОБЕКОВ диққатига!

«Юрган дарё, ўтирган бўйра» деганларидек, дунё кўрган сайин одамнинг кўзи очилиб бораверяркан. Мустақилликка эришганимиздан кейин чет мамлакатлар билан бевосита алоқа ўрнатилгани боис хориж маҳсулотларининг турфа хилини юртимиз пештахталарида кўряпмиз. Эҳ-ҳе, биргина ошхона деворларига териладиган кошинларнинг 18-20 хил рангда товланувчи турлари бор экан.

БАҲОНА

Илгари бу буюмнинг оқ, қора, ҳаворанг ва лимон тусдаги хилларинигина кўрардик. Эндиликда хонадонларни чиннидай ялтиратиб қўйишга нафақат шаҳарда, қишлоқларимизда ҳам ажиб бир ҳавас уйғонмоқда. Бу яхшилик аломати, албатта. Лекин хорижий маҳсулотлардан бир олам завқ олиб турганимизда ўзимизда тайёрланаётган баъзи буюмларни кўриб ачиниб кетасан киши. Ахир ўтган 5-6 йил мобайнида не-не янгиланишлар бўлмади дейсиз. Аммо ҳануз собиқ иттифоқнинг парчаланишидан кейинги алоқалар узилганини яккаш баҳона қилаётганларга нима дейсиз?! Бугунги кунда қўша-қўша автозаводлар, хорижликларни ҳайратга соладиган иншоотлар ҳам собиқ иттифоқ парчалангандан кейин бунёд этиляпти-ку?!

Ишлаб чиқаришдаги қолоқликка эски алоқаларнинг узилишини баҳона қилиб юрганлар орасида «Ўзқурилишматериаллари» концерни тизимидаги бир талай корхоналар бор. Энди мана бу рақамларга эътибор беринг. 1996 йилда концернда аввалги йилдагига нисбатан цемент ишлаб чиқариш 142 минг тонна, шифер — 53 миллион шартли плитка, керамик кошинлар — 523 минг квадрат метр, чўянли ванналар — 4,2 минг дона, линолеум — 437 минг квадрат метр, мармардан тайёрланган қопловчи ашёлар 28 минг квадрат метр ҳажмида камайиб кетган. Республикамиз қурилишларига эса ҳар йили 10 миллион квадрат метр линолеум керак. Ўтган йили концерн тизимида линолеум ишлаб чиқарадиган ягона корхона «Оҳангаронқурилишпластмасс» ҳиссадорлик жамияти (раиси Лев Пак) бор-йўғи 1.028 минг квадрат метр линолеум (1995 йилдагига нисбатан 70,2 фоиз) ишлаб чиқарди. Аянчли жойи шундаки, ана шу ози маҳсулотни истеъмолчиларга ўтказиш ҳам кони азоб бўлди. Ҳаво ҳарорати сал ўзгарганда тоб ташлайдиган бу матоҳга кўпчилик қайрилиб ҳам қарамади. «Бозорда ўтмаса, ётоқхоналарга беринглар» деган кўрсатма корхона асосий маҳсулотига берилган ўзига хос баҳо бўлди. Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: бунақа ўтмас мол чиқаргунча корхона ёпиб қўйилса фойдалимасми? Тасаввур қилинг, эрта тонгда ишчи уйидан не-не умидлар билан чиқади. Жамоат транспортида ишга боради. Куни билан дастгоҳ олдида тер тўкади. Хонадонда унинг маошидан умидвор бўлиб кутишади. Пировардида ишлаб чиқарган маҳсулоти омбордан қўзғалмайди. Мазкур корхона 1997 йилни 30 миллион сўм дебиторлик қарзи билан қарши олди. Жорий йилнинг ўтган уч ойида эса бир сўмлик ҳам маҳсулот экспорт қилинмади.

ОМБОРДАН ОМБОРГА

Замоннинг бугунги талабларидан орқада қолиб ишлаётган корхоналардан яна бири «Тошкент қурилиш материаллари комбинати» ҳиссадорлик жамиятидир. Пойтахти азимнинг қўйнида жойлашган бу корхона дарвозасидан киришингиз билан ивирсиқ манзара кўз олдингизда намоён бўлади. Иморатлар хароб аҳволга келган. Ҳиссадорлик жамияти раиси Алишер Ҳайтанов ҳам, бошқа мутахассислар ҳам шу ҳолга ўрганиб кетишган, шекилли, уларда безовталик сезилмайди.

Ҳовли бўйлаб юрарканмиз корхона бинолари бизга қаровсиз қолган иморатларни эслатди. Бу даргоҳда асосан деворбоп кошинлар, оёқ остига териладиган плиткалар, бино пештоқларини безатадиган сир қопламали буюмлар ишлаб чиқарилади.

Цехлардан бирига кириш олдида кўзимиз бир қисми синиб ётган кошинларга тушди. Маҳсулот сақланаётган омборни кўздан кечирмоқчи бўлдик. Қулф осиб қўйилган. Калитни топиб келишди. Кундузги иш жараёнлари тугашига саноқли дақиқалар қолган, лекин бу ердан шу куни эртадан кечгача ҳеч ким маҳсулот олиб кетмабди. Омбор ичкарисига қадам қўйишнинг имкони бўлмади, чунки оёқ қўядиган жойлар кўллаб ётарди. Назаримда шу ҳолат корхонада ишга бўлган муносабатни ифодалаб турган-дай. «Бу не ҳол?» деган маънода раҳбарга қараймиз.

— Бу сувнинг зиёни йўқ, — дейди А. Ҳайтанов бамайлихотир. — Биз чиқараётган плиткалар умуман нам тортмайди.

Корхонада тайёр маҳсулот қолдиғи ҳажми билан қизиқамиз. Алишер Анваровичнинг айтишича, ҳозир 5 миллион 280 минг сўмлик, янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, 3,5 вагон плитка истеъмолчини кутиб ётибди. Бу озми, кўпми? Корхона раҳбарининг жавоби лўнда бўлди.

— Бу нима бўлибди, икки-уч йил муқаддам қолдиқ маҳсулот 30 вагонга сиғмасди...

КИМ КИМДАН ҚАРЗ?

Агар корхонанинг кунлик қуввати 1 минг квадрат метр ҳажмдаги маҳсулот эканлигини назарда тутсак, 16.750 квадрат метр ҳажмдаги керамик плиткалар туриб қолиши, бизнингча, оз эмас. Бу-ку қолдиқ маҳсулот, лекин завод омборидан олиб кетилган, аммо ҳамон ҳақи тўланмаган маҳсулотлар ҳисоби қанча бўларкан? Бугунги маълумотларга кўра корхонанинг 20 миллион 314 минг сўмлик маҳсулоти 648 та ташкилотларда ҳақи тўланмай сочилиб ётибди. Шундан 18 миллион 846 минг сўмлик дебиторлик қарзининг муддати ўтган. Хўш, маҳсулотни олиб, ҳақини тўламай юрган шоввозлар кимлар? Ангренда жойлашган «Бегим» ҳиссадорлик жамияти 36 минг сўмлик плиткани 1995 йилда олиб кетган, ўша вақти 22.425 сўмлик махсус кийим бериб, қолган қарзни ҳамон узгани йўқ. Сурхондарё деҳқончилик қурилиш идорасининг 5-механизациялашган қурилиш жамланмаси 2 йил муқаддам 295.298 сўмлик маҳсулотни олиб кетган. Заводга техник туз ваъда қилганича қарзни узган эмас. Тижорат бўлими агенти Дилшод Мирназаров тўрт кундан буён Сурхондарёда қарзни қистаб юрибди. Лекин сафар харажатлари ҳозирча оқлангани йўқ. Яна бир ходим — тижорат бўлими бошлиғи Вадим Исматов вақти-вақти билан Оҳангарон томонга бориб келади. Аммо олинган маҳсулотни аллақачон ишлатиб юборган «Оҳангарон шифер» ҳиссадорлик жамияти 1995 йилдан қолган 79.671 сўм маблағни тўлашни хаёлига келтирмаяпти.

— Нега тўлов қобилиятини суриштирмасдан маҳсулот бериб юбординг-ку?— сўраймиз А.Ҳайтановдан.

— «Оҳангарон шифер» раҳбари тўлашни ҳозироқ тўлаши мумкин, аммо биз уларга кўп айтдик, фойдаси бўлмаяпти.

Ана холос. Маҳсулотни бериб юборган корхона айбни бировларга тўнкайверса. Аслида бу ҳолни келишувчилик, керак бўлса, тил бириктириш деб баҳолаш лозим. Ишонмасангиз, ана шу раҳбарлардан бир сўраб кўрингчи, сизга ёнидан насия-га бир сўм берармикин? Бериб бўпти! Миллионлар корхонаники, корхона давлатники. Хўш, шундай экан бу раҳбарларни ким деб аташ керак?

Кредиторлик қарзлари ҳақида сўз кетганда ҳалиям корхона ишлаб турганидан ажабланасиз. Раҳбарнинг иқрор бўлишича, биргина Қўйтош конига волостанит хом ашёси учун 2 миллион 400 минг сўмлик маблағ тўланмаган. Биз корхона кредитор қарзлари рўйхатини келтирмоқчи эдик, имкони бўлмади... Улар сони 916 та! Шу аҳволда ҳам ҳеч нарса кўрмагандек юришларига ажабланасиз! Корхонада меҳнат унумдорлиги 1995 йилдагига нисбатан 70,4 фоизга тушиб қолган. Сабабини сўраймиз. 1996 йилда аввалги йилдагига қараганда 347 минг квадрат метр миқдорда кам маҳсулот ишлаб чиқарилган. Хўш, шунча камайишга йўл қўйилган экан, ишчилар сони ҳам озайдими? Қаёқда дейсиз, бугун ҳам 254 нафар одам ишлаяпти. Қизиқ, маҳсулот ҳажми шу қадар озайса-да, ишловчилар (аниқроғи, ҳақдорлар) камаймаса?!

«Нега турли рангдаги кошинларни чиқармаяпсизлар?» деб сўрасак, «Бизда керамик плиткани бўяйдиган хом ашё етишмайди, илгари Россиядан олардик, энди алоқа қилмаяпмиз» деган баҳонани рўкач қилишади. Хўш, буни кимдир олиб келиб бериши керакми? Ахир у йўқ, бу йўқ, деб томошабин бўлиш боқимандаликнинг ўзи-ку?! Изланувчанлик билан тадбиркорлик хислатларини ишга солиш керак эмасми! Қачонгача тузукроқ кафель излаб Италия, Туркия каби мамлакатлардан мол ташиймиз?! Ахир отабоболаримиз неча асрлар илгари офтоб нурида минг жило берувчи кошинларни яратиб қўйишган-ку?!

ЭСКИНИ ЯМАГУНЧА...

Ҳиссадорлик жамиятида молиявий аҳволнинг мураккаблигига асосий сабаб ҳамон эскирган технологияга ёпишиб олганликдир. Биз юқорида имораторларнинг харроб ҳолга келиб қолганини айтгандик. Ишлаб турган технологик ускуналар бамисоли чарчаб қолган отни эслатади. Тайёрланаётган кошинлар сифатига мутахассислар берган баҳода айтилишича, кошиннинг ён қирраларида бўёқнинг нотекис қуйқалари қолган, эскича технологияда ҳар қанча ҳаракат қилманг буни тозалаб бўлмайди. Маҳсулот юзасидаги сир қатлами ҳам нотекис ва хира. Чунки у 880-960 даража ҳароратда пиширилган. Агар иссиқлик 1200 даражага етказилса, буюмнинг юзаси силлиқ ва ярқироқ чиқади. Линиялар эскирганлиги туфайли двигателлар куйиб қолмоқда, роликлар эриб кетяпти. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра ана шу нуқсонлар туфайли конвейер бир соатга тўхтаса, 41 квадрат метр маҳсулот чиқмай қолади. Лекин бир соат тўхтаган линияни яна ишга солиш учун қанча вақт кетишини ҳам ҳисобга олиш керак.

Корхона фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири четга маҳсулот экспорт қилишдир. Лекин, мана бир неча йилдирки, бу ерда тайёрланган буюмларга четдан харидор чиқмаяпти. Бунга асосий сабаб маҳсулотнинг жаҳон андозаларига мос келмаётганлигидир. Ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти «энг арзон кафеллар бизда» деб мақтанишади. Шу гапнинг ёнига «энг сифатсизи ҳам» дейишса бўларди. Ўзингиз ҳулоса қилинг: харидорлар 300-400 сўмлик Тошкент маҳсулотларини олмай 1000-1900 сўмлик Эрон, Италия, Туркия кошинларини афзал кўришяпти.

Юқоридаги мулоҳазаларни ўқиган корхона раҳбарлари «Ахир биз ҳам янги технологияни ўзлаштириш учун Италиядан келтирилган 2 миллион долларлик линия ўрнатяпмизку, нега бу ҳақда гапирмайсиз?» дейишлари мумкин. Тўғри, хорижий технологияни жорий этиш учун ҳаракат кетяпти. Лекин жуда суст. Йил бошида янги усулдаги маҳсулот биринчи чоракда олиниши кўзда тутилганди. Айтилган фурсат ўтиб боряпти. Қолаверса, замонавий жиҳозлар ўз-ўзидан ишни яхшилаб юбормайди. Аввало ишга бўлган муносабатни ўзгартириш керак. Майли, янги линия оз ишчи кучи билан юқори унумдорликка имкон яратар экан. Аммо маҳсулотни истеъмолчига етказиш учун маркетинг ўрганилдими? Эртанги кунда тайёрланган маҳсулот яна омборларда қалашиб қолмаслигига кафолат борми? Агар ким янги ускуналар ўз-ўзидан ишни юргизворади, деб ўйлаган бўлса янглишади. Ҳозиргидек муносабат давом этадиган бўлса, эртанги кунда «хом ашё топилмаяпти», «у йўқ, бу йўқ» деган баҳоналар айтилмаслигига кафолат йўқ.

Назаримда, баҳона кўрсатиш «Ўзқурилишматериаллари» концерни корхоналарига теккан касалга ўхшайди. Бўлмаса 69 та саноат корхонасидан 16 тасида ишлаб чиқариш ҳажми пасайтириб юборилармиди? Шунинг ўзи 373,8 миллион сўмлик маҳсулот камайди, деган маънони англатади. Концернда йил бошида дебиторлик қарзи 2 миллиард 738 миллион сўмни (489 миллион сўми муддати ўтказиб юборилган), кредиторлик қарзи 2 миллиард 735 миллион сўмни (554 миллион сўми муддати ўтиб кетган) ташкил этди. Сотилмай қолган маҳсулотнинг меъёрдан ошиқ қолдиғи 242 миллион сўмга тенг. Айланма маблағ дебиторлик қарзини узишга сарфлангани оқибатида тақчиллик яққол сезилмоқда. Шу сабабларга кўра қатор корхоналарда тўловга имкон йўқ. Концерн раҳбарияти (раиси Акром Ибобеков) мавжуд аҳволга танқидий баҳо бериши, тармоқда йўл қўйилаётган камчиликларнинг туб сабабларини таҳлил этиши лозим. Корхоналарга хорижий сармояларни жалб этмай туриб жаҳон андозалари даражасига чиқиш мушкул. Ғалати бир мантиқсизлик: юртимизда қурилиш ашёларига эҳтиёж катта, концерн корхоналари чиқараётган маҳсулотлар эса омборларда уюлиб ётибди — харидор олмаяпти.

Хўш, бу аҳвол яна қанча вақт давом этади. Халқимиз, қурилиш ташкилотлари қачон хорижий маҳсулотлар ўрнига ўзимизда тайёрланган буюмларни харид қиладиган бўладилар? Шу ва шунга ўхшаш ҳақли саволларга жавоб берадиган вақт келди. «Ўзқурилишматериаллари» концернини бошқараётган жаноблар, шундай эмасми?!

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

Нуқсонлар илдизини излаб

Хатлар Хатлар Хатлар

РИСОЛАНИ КЎРГАН БОРМИ?

1959 йилдан бери ўқитувчилик қиламан. Узоқ йиллик кузатишларимдан келиб чиқиб, келгуси авлодга асқотар деган эзгу ният билан «Тил билишнинг асоси» номли рисолани ёзиб тугатдим.

Илмий иш тайёр бўлгач, уч йил нашрга тайёрладим. Сўнгра Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига бу ҳақда хат орқали маълум қилдим. Рисолани жўнатинг, нашр этамиз деган мазмунда улардан жавоб хати олдим. Рисолани 1996 йил 6 мартда алоқа хизмати орқали махсус сўрғичланган ҳолатда вазир номига жўнатдим. Негадир ҳадеганда ҳеч қандай хабар қилишмади. Яна хат ёздим. Шу йилнинг 17 августида республика таълим маркази директори ўринбосари К. Норматовнинг имзоси билан хат олдим. Унда рисолани чоп этиш учун 2 та тақриз ва туман методика бирлашмаси мажлиси баённидан кўчирма юборишим сўралганди. Дарҳол сўралган ҳужжатларини тайёрлаб жўнатдим. Яна сукут сақлаб қолишди. Вазирликка илмий ишимнинг тақдири билан қизиқиб кетма-кет 3 марта хат орқали мурожаат қилдим. На хат, на хабар бор.

Илм оламида бирор янгилик яратиш игна билан қудуқ қазишдек гап. Шунча йиллик меҳнатимнинг қадр-қиммат топмаганидан жуда ўксиндим. Агар чоп этишнинг имкони бўлмаса, рисолани қайтариб юборишсаям бунчалар кўнглим чўкмасди. Чунки инсон меҳнатига бунчалар беписандлик таққирлаш билан баробар-да.

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани, Чўлпон номли 18-мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси, «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби.

Мавзуга қайтиб

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Газетада эълон қилинган «Ўзи хон, кўланкаси майдон...ми? сарлавҳали мақолада кўтарилган муаммолар долзарб ва муҳим. Дарҳақиқат, матбуот нашрлари инсон маънавий эҳтиёжини қондириш борасида беқиёс вазифани адо этади.

Бугунги кунда бир нарса тобора ойдинлашиб бораётир. У ҳам бўлса, илгаригидек юқори ташкилотларнинг кучи билан газеталарга обуна қилиш қийин. Ҳозир одамлар ўзлари истаган ва севган нашрга ихтиёрий обуна бўлишади. Бировни мажбурлайдиган замонлар ўтиб кетди. Қолаверса, газета ва журналларнинг обуна баҳолари ҳам ўйлантириб қўяди. Шу боисдан муштарийлар газеталарни кўпроқ қандай мақола эълон қилинганига қараб дўконлардан харид қилишга одатланмоқдалар.

Хуллас, бугун таҳририятлар ҳам, матбуот тарқатувчилар ҳам талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ишлашлари лозим. «Ўзи хон, кўланкаси майдон...ми?» мақоласида матбуот тарқатиш соҳасидаги монополия таъкидлаб ўтилган. Лекин, муаллиф «Союзпечать» давридаги монополияни назарда тутган бўлса керак. Чунки, ҳозир бу борадаги яккаҳокимликка деярли чек қўйилган.

Эндиликда, матбуот нашрларига обуна қилиш ва сотиш ишлари билан республика матбуот тарқатиш маркази (алоқа бўлимлари орқали), республика «Матбуот тарқатиш уюшмаси» (эски «Союзпечать») ва унинг таркибидаги ҳиссадорлик жамиятлари шуғулланмоқда. Шунингдек, таҳририятларнинг ўзлари ҳамда бир қанча фирма ва якка шахслар ҳам газета ва журналлар сотмоқдалар.

Табиийки, газета сотувчилар ҳеч қачон зарарга ишлашмайди. Агар у ёки бу нашрга талаб кўпайса, сотувга кўпроқ чиқарилади, дўконларда ўтмай қолса камайтирилади. Менимча, таҳририятлар ҳам ўз фаолиятларини бозор иқтисодиётининг талаб ва эҳтиёж аталмиш энг муҳим шарти асосига қуришлари лозим. Чунки, газета, журналлар ҳам маънавий озуқа берувчи товардир.

Мақолада республика туман ва қишлоқларида рўзномалар дўконлари камлиги ўринли айтилган. Маърифат тарқатувчи бу дўконларни кўпайтириш йўлларини ахтараяпмиз. Аммо, жойлардаги маҳаллий ҳокимликларнинг кўмаги-ю, фатвосиз бу ишларни йўлга қўйиб бўлмайди. Айрим жойларда газета дўконлари олиб ташланиб ўрнига «Сникерс» у «Дирол»лар сотувчи ичи-ташини хорижий фирмалар рекламалари билан безаб ташланган тижорат расталари қурилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бундан ташқари ҳозирги пайтда якка шахслар томонидан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан республикамизга кўплаб вақтли нашрлар келтириб сотилмоқда. Метро бекатлари ва одамлар гавжум жойларда сотилаётган бу газета, журнал ва китоблар ичида порнография, турмуш тарзимизга зид бўлган бошқа қарашларни тарғиб этувчи,баъзан эса ҳукуматимиз ва халқимиз шаънига бўҳтону-туҳматлар ёғдирувчи материаллар ҳам кўп. Энг ёмони, бу матбуот маҳсулотларининг қиймати (бир олиб ўтишда) 1000 долдлардан кам бўлганлиги учун улардан божхона солиғи олинмайди. Ваҳоланки, бундай газета ва журналлар йил давомида мунтазам келтириб сотилади. Ана шундай нопок йўл билан шахсий бойлик орттираётганлар тартибга солинса мақсадга мувофиқ иш бўларди.

Умуман, матбуот-зиё тарқатиш учун барчамиз масъулмиз. Элни маърифатли қилишни истасак ҳаммамиз сидқидилдан ҳаракат қилишимиз зарур.

Р. ҚОСИМОВ,
республика «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ҳиссадорлик жамияти раиси.

ЯНГИ ЧОРВАЧИЛИК МАЖМУАСИ

Оҳангарон тумани «Янги Ҳаёт» хўжалиги бундан ўн йилча муқаддам республикадаги чорвачиликка ихтисослашган машъал жамоалардан ҳисобланарди. «Ўзғўштсутсаноат» давлат уюшмаси таркибига кирувчи ушбу бурдоқичилик комплексида 15 000 бошгача зотли қорамол боқилиб, халқимизга 1000 тоннагача сифатли гўшт етказиб бериларди. Албатта, бозор иқтисодига ўтиш даври қийинчиликлари «Янги Ҳаёт»ликларни ҳам четлаб ўтмади. Янги шароитда ишлай бошлаган кўпгина чорвачилик фермалари илгари «Янги Ҳаёт» комплексига боқиш учун бериб турган бузоқларини энди бермай қўйдилар. Оқибатда бугунга келиб бу ерда 2500 га яқин қорамол қолди, холос. Бу эса, ўз навбатида, иш ўринларининг қисқаришига олиб келди.

Мана шундай бир шароитда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзғўштсутсаноат» давлат уюшмаси корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари» ҳақидаги қарори «Янги Ҳаёт»ликларга хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар таъсис этиш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун катта имкониятлар яратди.

Туркиянинг «Демир» фирмаси билан тузилган шартномалар ана шундай имкониятларнинг меваси бўлди. Хўжаликда бўлиб ўтган «Наврўз» айёмида таъкидланганидек, шартномага асосан «Янги Ҳаёт» хўжалиги энди «ДемЭТ» қўшма чорвачилик комплексига айлантирилади. Фермалар қайта таъмирланиб, замонавий «ноу хау» ускуналари билан жиҳозланади, қорамол бош сони, иш ўринлари кўпаяди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — гўшт, сут ва ғаллани қайта ишловчи корхоналар қурилади. Бунинг учун дастлабки уч йилда 13,5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланади.

Малоҳат МИНГБОЕВА.





Фермер Омон АБДУЛЛАЕВ: «Бу йилги дон ҳосилдорлиги 50 центнердан кам бўлмайди.» К. ЖЎРАҚУЛОВ олган суратлар.

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Ўтган ҳафта давомида Жиззах вилоятида Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси ташаббуси билан ижтимоий тараққиётнинг муҳим йўналишларига бағишланган туркум семинарлар ўтказилди.

Вилоят ва туман ҳокимликлари масъул ходимлари, суд ва ҳуқуқ-тартибот идораларнинг хизматчилари, жамоат ташкилотлари вакиллари, вилоят ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари ҳамда фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари таклиф этилган мазкур семинарлар қизғин мулоқот руҳида ўтди.

Унда жамғарманинг Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари бўйича мухтор вакили В. Шрайбер жамғарма вазифаси ҳақида ахборот берди.

Семинарлар ишида республика Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова, вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз).

ТОҒ ОРҚАЛИ ЎТУВЧИ ГАШИШ

Республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари БМТ вакиллари билан Ўзбекистонда гиёҳвандлик устидан назорат қилиш бўйича мувофиқлашишни яхшилаш, манфаатдор идора ва маҳкамаларнинг ишларини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Марказий Осиёнинг иқлим шароити гиёҳвандлик воситалари — кўкнор ва нашани етиштиришга жуда қулайдир. Бундан ташқари, Марказий Осиёга кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситалари Афғонистон, Покистон ва Тожикистондан, яъни назорати мушкул бўлган тоғликлардан ўтувчи чегара ҳудуди — Тоғли Бадахшон вилояти, шунингдек, Афғонистон-Туркманистон ҳудудлари орқали олиб келинади.

Гиёҳвандликка қарши курашда наркобизнеснинг хом ашё базасини аниқлаш ва йўқ қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Қишлоқ хўжалик вазирликлари, божхона, Миллий хавфсизлик хизматининг ходимлари томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси вакилларини жалб қилган ҳолда, республиканинг тоғлик ерларига, адирларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга, томорқаларга ва бошқа майдонларга тақиқланган, таркибида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар бўлган экинлар экилган майдонларни аниқлаш мақсадида, бир қатор тадбирлар ўтказиляпти.

Натижада 1993 йилда 276 га., 1994 йилда 444 га. ва 1995 йилда умумий майдони 29,5 гектардаги шундай экинлар аниқланиб, йўқ қилинди. 1996 йилда бу миқдорлар олти маротабага қисқартирилган.

Шу билан бирга шуни таъкидлаб ўтиш керакки, гиёҳванд воситаларини мамлакатимиз ҳудудига олиб келинаётган ҳолатлари (айниқса, кучли таъсир этувчи моддаларидан — героин, опий, гашиш) кўпаймоқда.

Кучли таъсир этувчи моддалар асосан Афғонистон йўналишидан уюшган гуруҳ томонидан олиб келинганида ушланди. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Сурхондарё вилоятида тўрт шахс — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уч Афғонистон фуқаролари автомат билан қуролланган ҳолда ушланди. Улардан 60 кг. дан ортиқ опий ва гашиш гиёҳванд моддалари олинди.

Бундан ташқари икки уюшган гуруҳ аниқланди. Ушбу гуруҳлар Тожикистон Республикасидан гиёҳвандлик воситаларини яширин равишда олиб келаётганларида ушланганлар. Биринчи ҳолатда 20 кг. опий моддасини чегарадан олиб ўтишда (бензин ташиш) автомашинаси ишлатилган эди ва бу гуруҳ иштирокчиларидан бири Тожикистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг собиқ ходими бўлган. Иккинчи ҳолатда гиёҳванд воситаларини кўп миқдорда сотиб олиб уни сотиш мақсадида сақлаганлиги ва ушбу воситаларни чегарадан олиб ўтиш билан шуғулланган Ленинобод ва Тоғли Бадахшон вилоят фуқаролари аниқланиб, ушланган. Улардан жами бўлиб 140 кг. опий гиёҳванд моддаси олинган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган ва судларга мазмунан кўриб чиқиш учун юборилган.

Республика ҳудудида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан гиёҳванд ёки психотроп моддалари билан ғайриқонуний муомалада бўлиш масалалари юзасидан халқаро шартномаларга асосан олиб борилган ишлар натижасида 480 тадан ортиқ чет эл фуқаролари ушланди.

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики охирги йилларда гиёҳванд воситалари ёки психотроп моддаларини чегарадан контробанда йўли билан олиб чиқиб кетаётган ҳолатлари кўпайган. Айниқса, Россия Федерациясида. Агарда 1995 йилда бундай 185 ҳолат аниқланган бўлса, бурноғи йилда эса у 197 тани ташкил қилган.

Ўтган йилда, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга ҳамда ички ликбозликка қарши кураш борасида прокурорлар томонидан ўтказилган 217 та текшириш натижалари бўйича корхона, ташкилот раҳбарлари номига 204 та тақдимномалар киритилган. Натижада 113 та мансабдор шахс интизомий, 86 таси эса, маъмурий жавобгарликка тортилган.

Умуман олганда йил мобайнида гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар бўйича 2617 айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ўтказилган тадбирлар жараёнида эса 37 га майдонда ёввойи ҳолда ўсаётган «Индийская конопля» йўқ қилиниб ташланди. Унинг ўсишига йўл қўйган ва бепарво бўлган 1137 та жамоа ва ер участка раҳбарлари маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди.

Мана яна баҳор келди. Экин-тикин қилишга киришилди. Албатта, айрим ғаламислар ўзининг нафсини ўйлаб гуноҳи азимга қўл уриши, турмушимизга ёт бўлмиш гиёҳванд ўсимликларини экишга ҳаракат қилиши мумкин. Ўшандайларга айтадиган сўзимиз бор. Яхшиси, она заминнинг тупроғида олтин ундиринг, дон-дун етиштиринг, ўшанда катта савобга қоласиз. Халқ олқишлайди.

Отабек ФУЗАИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси Ички ишлар органларида тергов ва суриштирувни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.

Гиёҳвандлик — иллат

Ёзувчи муаммо қўяди

ТОҒЛАР КЎКСИДАГИ ДОҒЛАР

Ҳар доим ёдимга тушганда юрагимни ўртаб юборадиган бу воқеага ўн йилдан ошди. Бўстонлиқ тоғларига қор қалин тушганлигидан ёввойи жониворлар одамлардан паноҳ излаб қишлоқларнинг яқинларида пайдо бўла бошлади. Дарё соҳиллари, анҳору ариқ бўйлари, боғу сайҳонларда какликларнинг тўдалари кўзга ташланарди. Одамлар яқинига борса ҳам учиб кетмасдан мунглигина боқиб ўтирган беозор бу қушлар шундоқ ҳам оз қолганди. Шуни кўра-била туриб ўзларини овчи деб атовчи кимсалар туфайли ҳаммаёқда ўқ овозлари янграй бошлади. Тўрга илинтириш, матраб билан тутиш ва бошқа турли хил усулларни қўллашиб, шўрлик какликларга обдон қирон солдилар. Дала-тоғларда изғиб юрганлар етмагандек, Чирчиқ дарёси ўзанлари бўйлаб енгил машиналарда уёқдан-буёққа ғизиллашар, уйларига кечқурун қоп-қоп каклик билан қайтишарди. Шундай изтиробли кунларнинг бирида Оқтош ҳудуди қишлоқлари атрофидаги боғларда кийик юрганлиги ҳақида хабар тарқалди. Буни эшитган ондаёқ милтиқларнинг бари ўзларини шу томонга урди. Ҳамма ёқдан «қара-қара» қилишиб, паналаб ётган жойидан бечора жайронни ҳайдаб чиқардилар. Сакраб-сакраб бораётган жонивор устига бараварига якка, сочма ўқлар ёғилди. Яраланганига қарамай жони борича қочаётган оҳу боғ чеккасидаги сим тўрга урилиб орқасига чалқанча йиқилди. Шу ондаёқ ўнларча ёвуз қўллар унга човут солиб, чиройли бошини танасидан жудо қилдилар. Кийикнинг қорнини ёрган эдилар, етилиб қолган боласи чиқди. Очофатлар ҳеч иккиланмай уни ҳам бўғизладилар-да, катта бир қозонга тиқишиб, «ўртадаги оҳуни» паққос туширдилар. Инсонлардан паноҳ излаб келган шўрлик кийикнинг тақдири шундай тугади...

Худди шу каби ҳунук воқеалар содир бўлаётган кезда ов мавсуми аллақачон ёпилиб, кунгай қирларда бойчечаклар мўралаб қолган эди. Қаёққа қараманг, кўзи қонга тўлган ваҳший овчилар учрарди-ю, табиатни ҳимоя қилувчи бирон жонкуяр кўринмас эди. Қиш оғир келиб, ёввойи жониворлар ёппасига қирғин қилинган шу йилдан кейин тоғларнинг бағри ҳувиллаб, дарёлар ҳам деярлик шу аҳволга тушди. Чунки, бирон бир жавобгарлик, масъулиятни заррача ҳис қилмаётган бағритош кимсалар балиқ овининг ҳам хилма-хил усулларини қўллашиб, тоғлардан оқиб тушаётган ариқ ва дарёчаларнинг деярли ҳаммасини ўлик сувга айлантириб қўйишди. Қадимда — тахминан 30-40 йиллар муқаддам қўл билан ёки қармоқда борингки, тўрда балиқ овлашар, бу каби усулларнинг салбий таъсири унчалик сезилмас эди. Кейингилар — ўзларини ўта уддабурон ҳисоблаётганлар гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, балиқ сероб бирон дарёчанинг энг теппасидан хлор каби кимёвий дориларни қоп-қоплаб оқизмоқдалар. Эвазига машина ёки бошқа бирон уловда қоп-қоп балиқ ортиб қайтмоқдалар. Қарабсизки, бир зарбнинг ўзидаёқ бутун бошли дарёча бошдан-оёқ ўлик сувга айланмоқда. Балиқ кушандалари бора-бора ўзлари учун яна ҳам осонроқ усул ўйлаб топдилар. Улар энди балиқларга электр токи кучи билан қирон солишга киришишди. Оқибатда нафақат балиқлар, сувда яшовчи жамики тирик жонлар бутунлай қирилиб кетмоқда.

Бу масалада тартиб ўрнатишни биринчи навбатда қишлоқ оқсоқоллари, уларнинг қўл остидаги маҳалла қўмиталари раҳбарларидан талаб қилишга ҳақлимиз. Чунки айнан шулар ўз ҳудудида табиатни яксон қилаётган текинхўру бекорчиларни ва уларга кўмак учун турли томонлардан келиб турувчи гумашталарни жуда яхши танийдилар. Агар хоҳишлари бўлса бир ҳамла билан нобакорларнинг тобора тармоқлаб бораётган пайларини қирқиб ташлашлари мумкин. Аммо, негадир, улар бунга журъат қилолмаяптилар. Туман ички ишлар бўлимидаги ов қуролларини ҳисобга олувчи, шунингдек, табиат муҳофазасига бевосита алоқадор ходимлар ҳам қалтис жойларда деярли кўринмайдилар. Энди бутун фаолияти табиат муҳофазасига боғлиқ Ўзбекистон овчилар жамияти, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси давлат Ўрмон қўмитасига қарашли ўрмон хўжаликлари ва худди шу раҳбар ташкилот тасарруфидаги Угам-Чотқол Давлат миллий табиат боғи фаолиятларига бир назар ташлайлик-чи! Уларнинг ҳар биттаси ўзларини атроф-муҳит муҳофазаси деб аталмиш ниҳоятда муҳим вазифанинг энг биринчи хўжайинлари деб биладилар. Ҳар биттасининг ўзича белгилаб олган режалари, иш услублари, порлоқ истиқбол учун танлаган йўл-йўриқлари, катта-катта биноларни банд қилиб ўтирган қанчадан-қанча забардаст ходимлари бор. Кўп йиллик фаолиятлари давомида бажариб ташлаган ишлари хусусида битилган ҳисоботу хужжатлар жойланган қалин папкалар ҳам ҳамма идорада тахт-тахт бўлиб ётибди. Минг афсуски, табиат муҳофазаси хусусидаги ҳақиқий аҳвол аслида ғоят аянчли ва ташвишли. Ҳар баҳорда учиб келувчи шўрлик қушлар қишлоқлар устидан ўтишга зор: уларни ҳовлилардан гумбир-гумбир отилаётган ўқлар ёмғири кутиб олади. Бутун йил давомида милтиқ осиб олган кимсалар ҳаммаёқда изғиб юришади. Айниқса кейинги йилларда пайдо бўлган — ингичка пўлат симлардан тузоқ ясаб, мўйнали ёввойи ҳайвонларга қирон солаётганларнинг қилмишлари баридан ошиб тушмоқда. Улар тоғлардаги тури ҳам, сони ҳам тобора камайиб бораётган сувсар, қундуз, тулки, бўрсиқ, қуён сингари ҳайвонларни деярлик қириб тугатмоқдалар. Ёввоий ҳайвонлар қолмаганидан, энди уларнинг тузоқларига фақат уй ҳайвонлари илина бошлабди. Иш жойининг тайини йўқ бундай тузоқчилар қўлларидаги мўйналар қўлма-қўл бўлиб асосан, доллар ҳисобига чет элларга пулланмоқда. Лекин шундайларнинг танобини қаттиқ тортадиган бир довюрак қўл ҳануз топилмаяпти! Ахир рухсатномаси йўқ, ов учун лицензияси ҳам йўқ дайди кимсалардан қўлма-қўл қилиб мўйна сотиб олаётганлар қалтис бу ишнинг катта жавобгарлиги борлигини нега ўйламайдилар?

Атроф-муҳитни ҳимоя қиляпмиз, деб ҳаммаёққа жар солиб ўз идораларига қамалиб ўтирганлар ҳам борлиқни ғорат қилаётганларнинг ўнтадан биттасини ё тутяпти, ё уни ҳам уддаламаяпти. Бунинг ўзига хос сабаблари бор экан. Аввало, юқорида айтганимиздек, бир қанча ташкилот зиммасига бир хил вазифа юкланган: уларнинг бари табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қиладилар. Аслида эса бу вазифани биронтаси ҳам кўнгилдагидек бажармаяпти. Иссиққина кабинетидан чиқиб тоғ-тош кезиш, қолаверса ҳаётини хавф остида қолдиришни ким ҳам истайди дейсиз?! Бу ташкилотлар орасида сансалорлик шу қадар авжига чиққанки, асосий вазифа бир чеккада қолиб, улар бир-бирларини қоралашу, фақат ўз-ўзларини мақташдан нарига ўтмаяптилар...

Бу қуйи ташкилотлар-ку, шу қадар аянчли аҳволга тушган экан, уларни назорат қилувчи, фаолиятларини жонлантирувчи раҳбар идоралар нима учун томошабин бўлиб туришибди? Умумий ишнинг олға силжимаётгани, тартибсизликларнинг барҳам топмаётганига юқоридан назоратнинг сустлиги, керак бўлганда қатъий чора қўлланилмаётгани асосий сабаб эканлиги энди аён бўлиб қолди. Бунинг исботи учун 1992 йил ташкил этилган Угам-Чотқол Давлат миллий табиат боғи фаолиятига бир назар ташлаш кифоя. Аҳволни қаранг, Европадаги табиат муҳофазаси хусусида ўта ривожланган давлатларда ташкил қилинган миллий боғларнинг энг йириги 20 минг гектардан ошмас экан. Угам-Чотқол миллий боғи эса 400 га яқин ормонгоҳлар, 10 дан ортиқ қурилиш ташкилотлари, саноат корхоналари, қишлоқ ва посёлкаларни ўз ичига олган 500 минг гектарли ғоят улкан майдонни эгаллаган. Ахир миллий боғнинг ўз номига яраша қатъий тартиб-интизомлари бор: у жойда милтиқ отилмайди, махсус рухсатномасиз биронта ҳам дарахт кесилмайди, тузоқчи сингари табиат кушандаларини-ку, қора-сояси бўлмайди. Бизнинг ярим миллион гектарли миллий боғимизда эса хоҳиш бўлган тақдирда ҳам, бундай тартиб-интизомга эришишнинг ҳеч иложи йўқ. Масаланинг бошқа яна бир нозик томони борки, ҳамма жойда қатъий интизом, энг муҳими қонун устуворлиги бўлмас экан, гап гаплигича қолаверади. Эътибор беринг-а,Угам-Чотқол миллий боғини ташкил қилиш ҳақида 1992 йил республика Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилганда Чирчиқ ва Бурчимулла ўрмон хўжаликлари ерлари мазкур миллий боғини ихтиёрига ўтказиб берилади, деб аниқ ёзиб қўйилган эди. Бироқ, мана, орадан 5-6 йил ўтяптию, ўрмон хўжаликлари ўз ҳолича, миллий боғ ўз ҳолича айнан битта майдонга хўжайинлик қилиб келмоқда. Бу ҳол чиндан ҳам собиқ Иттифоқдан ўтиб келган ярамас иллат, кимларнингдир шахсий манфаат йўлида ташкил қилган қилмишларидан бошқа нарса эмас. Махсус бу қарор вилоят, туман ҳокимликлари, ўрмон хўжаликлари идораларида Угам-Чотқол Давлат миллий табиат боғи маъмуриятида ҳануз кучга кирмай қоғоздагина қолиб келяпти. Угам-Чотқол Давлат миллий табиат боғига ярим йилча аввал тайинланган янги раҳбар Рўзмат Мираиповдан: «Нима учун бу қарор шу пайтгача ижро этилмади?» деб сўрасак, билмайман, дея жавобни қисқа қилиб қўя қолди. «Агар шу қарор бажарилганда табиат муҳофаза-си масаласида ижобий силжиш бўлармиди?» деб яна сўраймиз ундан. «Бўлганда қандоқ, туб ижобий бурилиш бўларди, — кутилмаганда руҳланиб кетди. Р. Мираипов. — Ҳар чеккадан «торт» - тортчиларга, ўзбошимчаликларга албатта барҳам бериларди, масъулияту жавобгарликлар ҳам битта раҳбар зиммасига юкланарди...»

Ахир асосий мақсад ам шу эмасми! Яъни, Ўзбекистонимизнинг ёвузларча ғарот қилинаётган табиий бойликлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг тақдири ҳақиқий жонкуяр, чин маънодаги амалий иш қила оладиган биттагина забардаст қўлга топширилиши учун биз ҳам тарафдормиз. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Овчилар жамияти, Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Ўрмончилик давлат қўмитаси каби қатор-қатор «табиат ҳимоячилари»нинг ҳақиқий ҳимоя қилиш ҳуқуқи битта қўлга олиб берилиши керак! Кескин ва қатъий чоралар кўриб, бундай иллатларни қанчалик тез бартараф этсак шунча яхши.

Асад АСИЛ,
ёзувчи.

...ВА ХЕЛЬСИНКИДАН МОСКВАГАЧА

МДҲнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси хусусида баъзи мулоҳазалар

(Давоми. Боши 1-бетда).

умуман олганда охирига етказди. (Ельциннинг Чубайсга нисбатан бугунги ишончини ҳам худди шу орқали тушунтирмоқ лозим, деб ўйлаймиз). Тўғри, коммунистлар ҳам осонликча жон берганлари йўқ (мол бермоқ, жон бермоқ, ахир). 1993 йилдаги Россия парламентининг исёни ва бошқа қатор зиддиятларни эслайлик. 1994-1995 йилларга келиб анча ўзини тутиб олган Москва энди Ҳамдўстлик борасидаги асосий мақсад — империяни тиклаш ишига кириша бошлайди. Чунончи, ўша йиллар Россия ташқи ишлар вазири А. Козиревнинг Ҳамдўстлик мамлакатларида икки гражданликни жорий этиш борасидаги уринишларини ёдга олайлик.

Албатта, мустақил давлатлар ҳам вақтни бекор ўтказмадилар. Шу йиллар давомида уларнинг барчаси БМТ ва бошқа асосий халқаро сиёсий ва иқтисодий ташкилотлар аъзолари бўлдилар. Ўз миллий валюталарини жорий қилиб, мустақил ички иқтисодий маконларига асос солдилар. Чет эл давлатларининг асосий гуруҳи, айниқса кудратли Ғарб давлатлари билан ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий, дипломатик алоқаларни йўлга қўйиб олдилар. Ҳар бир давлат ўз тарихи, миллий анъаналари, замонавий потенциали, геополитик жойлашуви, сиёсий менталитети, демографик шароити ва бошқа қатор омиллар таъсирида ўз ҳаётини қуриб боргани ҳам аниқ ва табиий. Шу билан бир қаторда мустақил давлатларнинг ўзаро ва минтақавий манфаатлари ҳам шаклланиб борди. Биз бу ерда 1993 йил бошида Тошкентда Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий иттифоқига асос солингани, Узбекистон-Украина, Узбекистон-Озарбойжон-Грузия муносабатларидаги конструктивлик руҳини назарда тутмоқдамиз, албатта. Шу муносабат билан умуман ҳамдўстлик ва хусусан икки томонлама алоқалар доирасида яққол кўзга ташланиб қолган қуйидаги ҳолатларга диққатни жалб қилмасдан иложи йўқ. Яъни Ҳамдўстлик теграсида, аниқроги марказида Москва турган муносабатлар ривожига кўра минтақавий ва икки томонлама алоқалар суръати анча жадал тараққий этмоқда. Бунинг сабаби нимада?

Москва Ҳамдўстлик имкониятларидан собиқ империяни у ёки бу шаклда (Евроосиё, Конфедерация, Ҳамкорлик, Давлатлар иттифоқи ва ҳоказо) тиклашга уринаётган бир вақтда, унга қарши ўлароқ мустақил давлатлар ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва бунда икки томонлама муносабатларни ҳуқуқий асосда ташкил қилишга зўр бердилар. Ва табиий равишда худди шу иккинчи ҳолат натижаси унумлироқ бўлди. Зеро, мустақил давлатлар учун биргалашиб империяпарастлик интилишларига қарши туришлари энг мақбул йўлдир. Бироқ кейинги йилларда, хусусан, 1995 йилдан бошлаб Россия ҳам «икки томонлама иттифоқчилик» сиёсати орқали булажак «давлатлар иттифоқи» пойдеворини яратишга қатъиян келажакда «тўртлик»нинг (балки, бешлик ҳамдир, чунки Тожикистон Бош вазири берган баёнотга кўра унинг мамлакатини «бешинчи» булиш мақсади ҳам йўқ эмас) ҳам «иттифоқи»га айланиши хавфи баланд. Шу маънода Қозоғистон Президентининг «Евроосиё» ғоясига ҳаддан ортиқ ишқибозликка берилиши (ҳатто вақтдан ютиш ниятида булса ҳам), Қирғизистон Президентининг Россия Бош вазири билан Қирғизистонда рус тилини давлат тили мақомига кўтариш хусусида музокараларга киришиши, Тожикистон раҳбариятининг тожик халқи миллий манфаати қаерда мужассамлашгани борасида ҳанузгача иккиланиши, пировардида, қозоқ, қирғиз, тожик элларининг, энди сунгги бор, мустақилликларини қўлдан беришларига олиб келмасмикан.?

Фикримизча, Россия ва турли йўллар билан унинг домига тушаётганлар умуман ижтимоий тараққиёт моҳиятига баҳо беришда эскича, коммунистча фикрлаш қолипидан чиқа олмаяптилар. Эсингизда булса, 1917 йили Россия империясига раҳбароликка келган Ленин мазлум халқларни феодализмдан тўппа-тўғри социализмга «сакратмоқчи» бўлганди. Оқибати нима бўлди, у ҳам маълум — тўғри қуллорлик тузумига бориб тушилди. Бугун мазкур хато ишқилиб қайтарилмаса эди. Ҳали Ҳамдўстлик имконларидан фойдаланмасдан туриб, «иккилик», «тўртлик», «бешлик», пировардида яна ўша қуллорлик «иттифоқи»га сакралмоқчи.

Айтишларича, ҳудойи таоло бандасини жазоламоқчи бўлса, уни ақлдан оздираркан. Эс-ҳушни йиғиб, 1922—1924 йилларни, яъни «СССР тузилган» йилларни эслайлик. Ўшанда ҳам ҳудди шундай сиёсат юритилган. Ҳар бир давлат ўз суверенитетини сақлайди, ўз ҳукумати, парламенти, суд ва ҳоказоси булади, тенг ҳуқуқли иттифоқ бўлади, деб авраб, 1922 йили Украина ва Белорусни, 1924 йили эса қолганларни тузоққа туширмаганмиди?! Инсон боласи ҳам шунчалар содда бўладими, адашаверишга мойиллиги шунчалар баландми? Агар Белорусь, Россия ОАВга қулоқ тутадиган бўлсак, «иттифоқ» тузиш орқали Лукашенко «улуғ Рус»га раҳбарликка интилаётган эмиш. Во, ажабо! Эртага қўл қўйдириб, индинга референдумдан ўтказиб олиб қонуний тус бергандан сунг Москва уни бошига урадими! Мустақиллик шароитида ўз тараққиётини йўлга қўёлмаган жамият қарамликда нима қила оларди? Тараққиётнинг бош омили бу эркинликку, ахир.

Хўш, бундай шароитда қандай йўл тутиш жоиз. Фикримизча, бу борадаги бирдан-бир тўғри йўналишни Москвада ўтказилган матбуот йиғилишида Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов кўрсатиб бердилар: «Ҳамдўстликни ҳамдўстликдек қабул қилиш керак. Ҳамдўстлик ўз вазифасини бажаряпти. Ундан ортиғини талаб қилишнинг ҳожати йўқ. Ҳамдўстлик доирасидаги жараёнларни зўрлаб ривожлантириш сиёсати нотўғридир. Тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим». Нега бу фикрни тўғри деяпмиз?

Тасаввур қилайлик, Ҳамдўстлик барбод бўлди. Ундан кейинги энди собиқ Ҳамдўстлик ҳудудидаги сиёсий манзара қандай булиши мумкин. Бизнингча, қуйидагича булади: Россия-Белорусь иттифоқи, «бешлик», Марказий Осиё иқтисодий иттифоқи, алоҳида-алоҳида равишда Украина, Молдова, Грузия, Озарбойжон, Арманистон маконлари юзага келади. Украина—Молдова яқинлашуви эҳтимоли баланд булган ҳолда Озарбойжон—Арманистон, Тбилиси—Абхазия зиддияти Кавказортини сиёсий жиҳатдан янада заифлаштириб қўйишини олдиндан кўриш қийинмас. Мазкур манзара орқали Россиянинг «бир қадам орқага, икки қадам олдинга» сиёсати мақсадини англаб олиш осонроқ деб ўйлаймиз. Чунки юзаки қараганда Белорусь билан иттифоққа кириш орқали Москва Ҳамдўстликни парчалашга сабаб булаётгандай кўринса-да, бироқ аслида у мустақил давлатлар бирлигига зарба бериб, «булиб ташлаб бошқармоқчи». Белорусдан сўнг Москва Қозоғистон «масаласи» билан жиддий шугулланса керак. Аҳолисининг ярми «русскоязычний» булган, асосий иқтисодий потенциали ҳам шимолда мужассамлашган Қозогистоннинг аҳволи ниҳоятда мушкул. «Евроосиё ғоясини бир неча йиллардан буён сурункали равишда суиистеъмол қилиб келинаётгани бу мушкуллик даражасини янада ошириб, оқибати Афандиникидака булиши ҳеч гапмас. (Айтишларича, Афанди кимни кўрса, бола-чақаларни олиб келинглар, меҳмон булиб кетасизлар, деяверакан. Кунлардан бир куни ана шундайлардан бири бутун оиласи билан бир арава булиб келибди. Гапни гапириб қўйган Афанди базўр қабул қилибди. Шунда меҳмон «Афанди, эшакни қаерга боғлай» деб сураса, Афанди «тилимга боғланг, тилимга» деган экан).

Россиянинг кейинги мўлжалларини олдиндан кўриш ҳам қийинмас. А. Акаев ва В. Черномирдин музокараларида Ушхоруг йўлини таъмирлаш хусусида келишиб олинганлиги Москванинг «иттифоқчилик» сиёсатининг учи қаергача бормоқчилигидан далолатдир. Лекин ниманинг ҳисобига? Қозоқ, қирғиз, тожик халқларининг сиёсий мустақиллиги эвазигами?

Демак, Ҳамдўстликнинг эртаси билан боғлиқ Узбекистон раҳбарининг қарашлари бугунги кунда бирдан-бир тўғри қарашдир. Тоғли Қорабоғ, Абхазия, Днестрбўйи, Тожикистон муаммоларини ҳал этишда яхлит Ҳамдўстлик имкониятлари каттадир. Чунки то шу чоққача шундай бўлиб келди. Абхазия ва Тоғли Қорабоғ шаштини қайтаришда Грузия ва Озарбойжон раҳбарияти Ҳамдўстлик омилидан унумли фойдаланган аниқ.

Албатта, биз бу билан Ҳамдўстликсиз ҳаёт тўхтаб қолади, демоқчимасмиз. «Бошга тушганини кўз кўради». Узбекистонга келсак, бизнинг бировдан тили қисиқ, бошқалардан кам жойимиз йўқ. Ҳар қандай шароитда мустақиллигимизни ҳимоя қилиб, тараққиёт йўлимизни маҳкам тутишга қодирмиз. Шу билан бирга МДҲ доирасида, айниқса у билан боғлиқ минтақамизда кечаётган, эртами кечми бир учи бизга ҳам тегиши мумкин бўлган жараёнларга таъсир ўтказиш ҳуқуқидан бизни ҳеч ким маҳрум қилолмайди. «Туй»ни фақат Москва бошқараверириши керакмас, матбуот йиғилишида МДҲ раҳбарларини қандай жойлаштиришни ҳал қиладиганлар ҳам фақат улар эмас. Ҳар бир мустақил давлатнинг Ҳамдўстликдаги мавқеи алифбо ва Москвага «содиқлиги»га қараб эмас, балки реал имкониятларидан келиб чиқиб белгиланмоғи даркор.

Хуллас, Лукашенконинг Белорусь президентлигига сайланиши (?) билан Ҳамдўстликда бошланган жараён бугунга келиб узининг илк «мевалари»ни бермоқда. НАТОнинг шарққа силжиши муносабати билан қутарилган айюҳаннослар Москва учун ўз империяпарастлик сиёсатини ниқоблашда яшин қайтарувчи ролини ўйнади, холос. «Постимперия»нинг бундан буёнги тақдири эса яна ўша эски омил — Узбекистон ва Украинанинг МДҲ доирасидаги амалий ҳаракатларига боғлиқ булиб қолганлиги ҳам шубҳа уйготмайди.

Азамат ЗИЁ.

ХОРИЖ ГАЗЕТАЛАРИ ЁЗАДИ

✓ *«БОСТОН ГЛОБ» газетаси хабарига асосланиб «Рейтер» агентлиги шуни таъкидлайдики, Демократик партия жамғармасига молиявий ёрдам берган Америка компаниялари АҚШ савдо миссияларида фойдали ўринларни эгаллашган. Бундан ташқари улар хорижий операцияларни қўллаб-қувватлаш учун қарийб 5,5 миллиард доллар федерал ёрдами олишга муваффақ бўлишган. Газетанинг ёзишича, АҚШнинг марҳум савдо вазири Рон Брауннинг чет элларга ташрифи давомида 27 корпорация вакиллари унга ҳамроҳлик қилишган. Ва айни шу компаниялар Демократик партия қўмиталарига молиявий кўмак бериб туришган. Бу бадаллар 50 мингдан 360 минг долларгача суммани ташкил этган.*

* * *

✓ ***«ГАМБУРГЕР МОРГЕНПОСТ» газетасининг хабарига кўра, Германия канцлери Гельмут Колнинг ўғли Петер Коль яқин вақт ичида 29 ёшли турк қизи Элиф Сёзенга уйланиш ниятида. Петер Коль ўз севгилиси билан студентлик даврларидаёқ танишган ва ҳозир улар Лондонда бирга яшашмоқда. Газета фикрича, бу воқеанинг қизиқ томони шундаки, Гельмут Коль маданий анъаналар, дин ва фуқароларнинг яшаш тарзи Европа талабларига жавоб бера олмайди, деб Туркияни Европа Иттифоқига қабул қилинишига қаршилик билдирса-да, ўз ўғлининг турк миллатига мансуб қизга уйланишига эътироз билдирмаяпти. Рўзнома маълумотига қараганда, Гельмут Коль билакс, Элиф Сёзенни соҳибжамол қиз ва ўз ўғли учун муносиб жуфт деб билади.***

* * *

✓ ***«ТАЙМС» газетаси бундан икки йил олдин Оклахома ° Сити шаҳрида федерал бинони портлатишда айбланаётганлар устидан Денверда суд бошлангани ҳақида хабар берди. Эслатиб ўтамиз: ушбу портлатиш натижасида 168 киши ҳалок бўлган эди. Газета журналистларининг топган ахборотларига қараганда, бу ишда айбланаётган Тимоти Макви ва Терри Николз адашиб бошқа бинони портлатиб юборишган. Бу ҳақда янги нацизм гуруҳи аъзоларидан бири Бобби Жо Фаррингтон баёнот берган.***

* * *

✓ *«ДИ ВЕЛЬТ» газетаси Россия ташқи сиёсатининг ривожланишига боғлиқ янги жараёнларга оид мақола эълон қилган. Газета хабарига кўра, кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида АҚШнинг Аляска штатини Россия юрисдикциясига қайтариш лозимлиги ҳақидаги материаллар бот-бот кўзга ташланмоқда. Шунингдек, айрим мақола муаллифларининг таъкидлашларича, Аляска Қўшма Штатларга Александр II томонидан сотилмаган, балки ижарага берилган эмиш. Бу муддат, гўёки, бундан 30 йил олдин тугаган. Газетанинг ёзишича, айрим нотоза тарихчиларнинг ишларига асосланиб айтилаётган бундай фикрлар энг аввало Қримни Россия ихтиёрига қайтариш мақсадида қилинмоқда. Бироқ бундай материаллар натижасида Россия ўзини қийин аҳволга солиб қўяди. Чунки Қўшма Штатларга тегишли бўлган ҳудуднинг бугунги кунда Россияга қайтариб бериш ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас.*

ЎТМИШГА НАЗАР

Британиялик олимлар Фиръавн оилалари сир-асрорини ўрганиш ниятида.

Британиянинг Манчестр университетига қарашли музейнинг мисрлик аёллар ҳаётига оид бўлими бошлиғи Рузалий Дэвид хоним дунёнинг турли ерларида сақланаётган 2000 дан ортиқ фиръавн даврида мўмиёланган аёллар жасадлари қон ва тўқималарига оид маълумотларни ўзида жамлайдиган мажмуа яратиш режаси мавжудлигини маълум қилди. Шу тариқа мисрлик аёллар ҳаёти билан қизиқадиган олимларга фиръавн оилалари сир-асрорларини ўрганиш, уларнинг ношаръий, ишқий саргузаштлари фиръавн авлодлари қони ўзгаришига олиб келганми- йўқми,буни билиш имкони яратилади.

Бу дастурга кўра тадқиқотчи олимлар мавжуд мўмиёланган жасадларнинг ички аъзо ва мушакларидан қон ва тўқима намуналари олиб текшириб кўришлари назарда тутилмоқда.

Бу дастур амалга ошса, Тутанхамоннинг Ихнатон билан алоқаларига ҳам ойдинлик киритилади. Зеро, манбаларда у Ихнатоннинг қизига уйланган дейилади.

Шунақасиям бўлади

ШИРАКАЙФ СИГИРНИНГ ҚИЛМИШИ

ИСПАНИЯ. Тореадорлар ҳақида ўқиганмисиз? Лекин кўп кўргансиз. Фақат спортнинг бу турининг номига кўпда аҳамият бермаган бўлишингиз мумкиндир. Газаблантирилган буқалар билан қизил мато тутиб «олишувчилар»ни шундай деб аташади—тореадорлар. Бу ўйин Мексика, Бразилия, Испания, умуман кўпгина халқларда спортнинг етакчи тури ҳисобланади. Мусобақаларнинг ўзига хос талаблари, машҳур «юлдуз»ўйинчилари бор. Юлдуз «ҳужум»чиларим бор. Яъни машҳур буқалар.

Рафаэль де Сильвио испаниялик шундай «юлдуз»лардан. Уни наинки Мадридда, балки бошқа мамлакатларда ҳам кўплаб мухлислари бор. Ахир 3000 марта «рингга» чиқиб, фақат енган «юлдуз»нинг мухлиси мўл бўлиши турган гап-да.

Яқинда у фожиали ҳалок бўлди. Балки мусобақада буқа янчиб ўлдиргандир дерсиз. Йўқ. Ўзининг уйида. Хушманзара, гўзал ранчосида. Ўғлининг севимли сигири шохлаб ўлдирди. Ота бўлганидан бениҳоя шодланган Рафаэль де Сильвио ўғлига сигир совға қилди. Чунки ўғли шарқ мунажжим таъбири бўйича ғигир мучалида туғилганди. Мана, шунгаям 24 йил бўлди. Ўғли ҳам отасининг совғасини силаб-сийпарди. Сийлаганни сигир билмас деганлари шудир-да.

Тореадор одатдагидек ранчосидаги фермада айланиб юриб, «яшил девор»нинг бузилганини кўриб қолди. Тузатмоқчи бўлиб энгашди. Сигир ҳам бамайлихотир 3-4 қадам нарида кавш қайтариб турарди. Кутилмаганда у тореадорга ташланиб қолди. Бундай ҳужумни кутмаган Рафаэль эсанкираб қолди. Қаддини ўнглагунча ғазабланган сигир ўткир бурама шохларини ғарчиллатиб хўжасининг кўксига ботирди. Сўнг шохларига «илиб» осмонга ирғитди. Хўжаси шўрлик шу заҳотиёқ тил тортмай қолди. Ранчодагилар югургилаб Рафаэлнинг бошига тўпланишганда унинг аллақачон жони узилганди. Машҳур «юлдуз» шундай фожиали ўлим топади деб ким ўйлабди дейсиз? Яна ҳамиша ҳирсдек буқаларга дош берган жасур тореадор-а?

Текшириш якунларида эса кутилмаган ҳолат аён бўлди.

Сигир маст экан! Сигир ҳам маст бўладими? Олдинига мен ҳам шундай деб ўйловдим. Бўларкан шунақасиям.

Рождество байрами арафасида Рафаэль ертўладаги винонинг анча вақти ўтиб, ўткирлиги «ўчганини» сезиб қолди. 20 литр қўлбола винони чорбоғнинг этагига тўкиб юборишни буюрди. Ерга сингани сингди, бироз кўлмакчаям ҳосил бўлди. Бебош сигир бориб кўлмакдан тўйгунча сипқорди. Яхшигина кайфи ошган сигир ранчода дарғазаб айланиб «уришгани» баҳона излаб юрарди. Хўжасига рўбару бўлди-ю, қутуриб кетди.

Ширинликка «чўккан» қиз

Италия. Козенца шаҳрида соҳибжамол Жинанинг мухлислари жуда кўп. Афсус яқинда унинг томошабинлари ҳунук хабарни эшитди. Сценарий бўйича Жина каттакон ширинлик—торт устидан сакраши керак эди. Ҳаммаси силлиққина кетаётувди. Фалокат оёқнинг нақд остидан чиқди. Жина сакраётиб озгина мўлжални чамалашда янглишди чоғи ширинликнинг ўртасига йиқилиб тушди.

Полициянинг гапига қараганда 23 ёшли Жина Лалапола ширинликка «чўкиб», ҳаво етишмагандан бўғилиб ўлганмиш.

Тақдир ҳазили

ҚУЁН «ОТГАН» ИТ

Польша. Варшавалик Роман Вижецки моҳир мерган. Тажрибали овчи. Бўш вақтини кўпроқ овда ўтказади. Лекин фалокат оёқ остида деганларича бор. Бу воқеани балки фалокат дейиш ҳам ноўриндир. Чунки бу галги овда ити уни «овлади». Овчи ит қуён отаман деб ўз хўжасини отиб қўйди.

— Пикапимнинг орқа ўриндигида ҳар доимгидек атрофни кузатиб кетаётувди. Ёнида ов милтиғим ўқланган ҳолда турувди. Итим чопиб кетаётган қуённи кўриб қолди, — дейди Роман. — Қуённи қувламоқчи бўлиб «сапчиди». Шу пайт бехосдан оёғи тепкини «босиб» юборди. Нимадир гумбурлади, биқиним жазиллаб кетганини биламан, холос...

Ит «отган» ўқ Романнинг орқасидан буйрагини «ялаб» ўтган экан. Иродали овчи яқинроқдаги шифохонагача етиб борди. Ҳайриятки улгурди.

Санда ЙЎЛДОШЕВА
тайёрлади.

«ПАХТАКОР» ҚИРЧИЛЛАМА ЁШДА

Ҳа, «Пахтакор» қирчиллама ёшда. Бугун минглаб ишқибозлар севимли ва фахрли бу жамоанинг қутлуғ 40 ёшини мубораксбод этадилар. Футболимиз тарихида ёрқин саҳифа очган «Пахтакор» жамоасининг босиб ўтган йўли, муваффақиятлари ёдга олинади. Дўстлар, ҳамкасблар, мутахассислар, фахрийлару меҳмонлар катта давра қурадилар. Шарқона удумга кўра «Пахтакор» номини ҳамиша эъзозлаб, қувончига шерик бўлиб юрган меҳмону мезбонларга ошни тортилади. Кейин майдонга «Пахтакор» фахрийлари билан «Қайрат» «отахонлари» тушадилар. Шу тариқа воқеаларга уланаверади. Оқшом чоғи пахтакорчилар билан «Сурхон» жамоаси учрашуви олдидан ҳар галгидек кўнгилочар ўйинлар, санъаткорларнинг чиқишлари ҳамда «Спортлото» баҳслари уюштирилади.

Бу кам. «Пахтакор»га қанча қилсак шунча оз. Боиси, Ватанимиз футболининг тарихи бевосита «Пахтакор» номи билан боғлиқ. Эҳ-е, нималарни бошидан кечирмади бу жамоа. Агар янглишмасак, дастлабки расмий учрашувни ҳозир Эски Жўвадаги автобекат ўрнида бўлгувчи «Спартак» ўйингоҳида 1956 йилнинг 8 март куни Пермь футболчилари билан ўтказган эди. «Пахтакор» ўйингоҳининг бунёд этилиши эса юртимизда футбол нафаси энг баланд пардаларда уфурган йилларга тўғри келади. Мухлислар сафи шунчалик кенгайганки, чипта топиш ҳам амри маҳол бўларди. Катта-ю кичикнинг тилию дилида «Пахтакор» бўлиб қолганди. Ашаддийларининг футбол завқидан ғайратлари жўш урар ё мағлубият аламидан қўллари ишга бормай қоларди. Мамлакатда ўзига хос футбол муҳити юзага келганди. Ана шундай кунларнинг бирида «юлдузларимиз» самога сочилиб, қалбларга ларза солди. Унутганимиз йўқ, унутолмаймиз...

Зеро, вақт ҳакам экан, дилларга малҳам қўймоқда. Истиқлолдан кейин футболга янгича муносабат бошланди. Халқ севган ўйинини янада ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, халқаро майдонлар сари юзланиб, юртимиз довруғини ошириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Аммо, бугунги кунда футбол йўлида нимаики қилмайлик биз ҳамиша ўзига хос тарихга айланган юзлаб мураббий ва футболчилар номини тилга оламиз. Муҳлислар ҳеч қачон футболимиз пойдеворига ғишт қўйган Пшеничников, Тазитдинов, Азизхўжаев, Шарипов, Мақсудов, Виткалов, Моторин, Қаҳҳоров, Любушин, Бектошев, Федоров, Ан, Красницкий, Абдураимов, Исоқов, Иброҳимов, Иноятов, Суюнов, Доценко, Раҳматуллаев каби иқтидорлар номларини унутмайдилар. Бугун уларнинг ўринларини боса оладиган, замон талабларига мос ўйинчилар камол топмоқдаки бу аввало «Пахтакор»нинг, қолаверса, футболимизнинг порлоқ келажагидан нишонадир.

Энди мамлакат миллий чемпионатининг бугунги аҳволи ҳақида икки оғиз сўз. Чемпионатнинг тўртинчи тур ўйинларидан кейин МҲСК, «Пахтакор», «Навбаҳор», «Дўстлик» «Нефтчи» жамоалари мавқеларини янада мустаҳкамлаб олдилар. Бешинчи тур ўйинлари олдидан жамоалар мавқеи қуйидагича:

Футбол

	Ю	Д	М	Т	О
МҲСК	4	0	0	11-4	12
Пахтакор	4	0	0	7-1	12
Нефтчи	3	1	0	10-4	10
Дўстлик	3	0	1	8-3	9
Навбаҳор	3	0	1	5-3	9
Трактор	2	2	0	4-0	8
Бухоро	2	0	2	7-6	6
Сўғдиёна	2	0	2	3-6	6
Атласчи	1	1	2	7-8	4
Андижон	1	1	2	3-4	4
Афросиёб	1	1	2	3-5	4
Чилонзор	1	0	2	1-2	3
Косонсой	1	0	3	2-6	3
Насаф	0	2	2	2-6	2
Сурхон	0	1	0	0-0	1
Зарафшон.	0	1	3	3-7	1
Янгиер	0	0	3	0-4	0
Хоразм	0	0	3	1-8	0

Эртага бўладиган «Трактор»—МҲСК, «Навбаҳор»—«Чилонзор», «Косонсой»—«Нефтчи» ўйинларига қизиқиш катта.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Хабарингиз борми?

ХАЛҚАРО ТИББИЙ КЎРГАЗМА

ТОШКЕНТ. «ЎзЭКСПО МАРКАЗ»да «Соғлиқни сақлаш-97» халқаро кўргазмаси очилади. Учинчи марта ташкил этилаётган ўзига хос бу анжуманда юзга яқин фирманинг иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, Австрия, Словакия, Германия, Франция, АҚШ етакчи фирмаларининг ўз маҳсулотлари билан қатнашиши диққатга сазовор. «Медиз», «Хёхст фарм», «Технофарм» ва «Интермед-Экосан» каби ўзбек компанияларининг экспозициясига ҳам қизиқиш катта. Кўргазмага дори-дармон, тиббиёт асбоблари ҳамда косметика ва гигиена воситаларини қўйиш мўлжалланган. Кўргазмани республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «ITE Group» фирмаси (Лондон) ва «Тибмаҳсулот» фирмаси ҳамкорликда ташкил этмоқдалар. Кўргазма келгуси ҳафтада очилади.

Алишер РЎЗИЕВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Салим АШУРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Виктор ЗВЕРЕВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56; 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРО, навбатчи М.МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0211

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 3-aprel, payshanba № 40 (22.124).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Китоб — содиқ дўст

ШОИР ИЖОДИДА ВАТАН СУРАТИ

Тўлан Низом ўзбек шеъриятининг катта йўлига кичик бир сўқмоқ бўлиб қўшилган шоирлардан бири. Унинг шу бугунга қадар ўнлаб шеърий тўпламлари, қатор достонлари эълон қилинган. Яқинда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Ватан сурати», деб номланган бир жилдлик сайланмаси барча шеърий мажмуалари ва достонларининг сараланмаси сифатида юзага келган.

Тўлан Низомнинг «Ватан сурати» сайланмасидан жой олган шеър ва достонлар мавзу жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, шоир умрининг турли йилларида яратилган. Бу эса, шоир ижоди ҳақида яхлит фикр юритиш ҳуқуқини беради.

Шоирнинг 60-йилларда яратилган шеърларида панд-насиҳат йўсинидаги енгил сатрлар учрарди.

Мисраларда фикрий тарқоқлик, жўн қофия, мавзуга юзаки ёндошиш сингари салбий ҳолатлар кўзга ташланади.

Тўлан Низом ижодининг дастлабки даврига хос бўлган бундай нуқсонлар кейинги йилларда қандай кечди:

Кун ўтказур катак ичра
ўзи ёлғиз, тоқ,
Ақлу ҳушдан ул адашган
келган куниёқ,
Айрилиқнинг ери қаттиқ,
осмони йироқ,
Кўзи мовий, ёниқ қизил,
бақбақаси оқ,
Мотам ичра бўйин боғи
тим қора каклик.

Тўлан Низомнинг «Каклик» шеъридан келтирилган ушбу бандда тутқунликда яшашнинг туб моҳияти каклик образи орқали акс эттирилади. Шоирнинг моҳиятни биргина сатрда:

Айрилиқнинг ери қаттиқ,
осмони йироқ,

дея ўзига хос тарзда ифодалай олиши, шубҳасиз унинг изланишларидан дарак беради.

Тўлан Низом шеъриятининг асосий омили Ватан, унинг ўтмиши, келажаги. Шоир бу муқаддас туйғуларга интиқ яшайди. Уни ҳақиқий поэтик қирраларда беришга уринади:

Балоларга нишон юртим,
Балогардон Турон юртим,
Меҳнатдан бағри қон юртим,
Дили хунобимдир менинг.

Келтирилган сатрларда юрт тақдирини, унинг қайғусини дардчил тушунишга интилиш бор.

Мазкур тўпламдан Тўлан Низомнинг «Руҳи-равоним», «Мажнунтол йиғиси», «Ҳумо» каби достонлари ҳам ўрин олган. «Ҳумо» достони мустақилликнинг рамзи — ҳумо қушининг учиб келган кезларидаги ҳолатини ифодалаш билан бошланади. Бу ҳолат ва кайфият достоннинг сўнгги, яъни Ўзбекистон байроғи илк бор ҳилпираган дамларда халқ руҳиятида кечган кайфиятларга ҳамоҳанг равишда ўз аксини топган.

Хуллас, Тўлан Низомнинг «Ватан сурати» номли китобидан ўрин олган шеърларида, хусусан, унинг «Ҳумо» достонида мустақилликка эришган Ватан, унда яшаётган кишиларнинг орзу-умидлари, бахти, истиқлолни мустаҳкамлаш йўлидаги жанговар ҳаёти, кураш тарзи бутун зиддиятлари билан ўз аксини топган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Тўлан Низомнинг «Ватан сурати» номли бир жилдли сайланмасидан ўрин олган шеър ва достонлари мустақил Ватан тақдири билан ичикиб яшаётган инсон фикр кечинмаларини турли образларда акс эттириб берганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Барот ЯРАШЕВ,
Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.



ЎҲГ ЗАРБА, ЧАП ЗАРБА, КЕЙИН ҒАЛАБА. Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ТАДБИРКОР КИНОЧИЛАР

БУХОРО. *Вобкент тумани «Киновидео» ҳиссадорлик жамияти аҳолига маданий хизмат кўрсатиш билан чекланмади. Бу жамоа бозор талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорликка қўл урди. Шаҳар марказидаги кинотеатр биноси ертўласида сутни қайта ишлаш цехини очиб, ундан манфаатдор бўляпти. Сутни қайта ишлаш билан кунига 25 килограммдан пишлоқ тайёрланмоқда. Маҳсулот эса мактаб болаларига арзон нархларда сотилмоқда.*

Даврон БАҲРОНОВ.

YILOYKUN

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

MAISHIY XIZMAT MASKANLARI

JIZZAX. Viloyat shahar va qishloqlarini obodonlashtirish va ko`kalamzorlashtirsh bilan birga zamonaviy guzarlar barpo etilayotganligi ko`pchilikka ma`qul kelyapti. Xususan, O`ratepali mahallasida guzarning ochilishi o`ziga xos bayramga aylandi. Bu yerda madaniy-maishiy xizmat ko`rsatish uchun qulayliklar yaratilgani diqqatga sazovor. Yana ana shunday uchta guzarni ochish mo`ljallangan.

KUTUBXONA ILM MANBA

SAMARQAND. Viloyat kutubxona rahbarining seminar-kengashi o`tkazildi. Yig`ilishda kutubxonalar bo`yicha o`tgan yili qilingan ishlar va bu yilgi vazifalar muhokoma qilindi. Viloyat hokimligi madaniyat ishlari boshqarmasi boshlig`i o`rinbosari V. Umarov kutubxona ishlarini tashkil qilish, kitobsevarlarga sharoit yaratish to`g`risida ma`ruza qildi. Toyloq, Bulung`ur, Kattaqo`rg`on va Samarqand tumanlari birlashgan kutubxona direktorlarining axborotlari tinglandi. Yig`ilishda kutubxonalar qoshida pulli o`quv kurslari tashkil etish va tushgan mablag`ning 90 foizini madaniy oqartuv ishlariga sarflashga kelishildi.

BOG`DODLIKLAR QUVONCHI

FARG`ONA. Bog`dod tumanida televideniye ko`rsatuvlari yo`lga qo`yildi. "Bog`dod" ko`p tarmoqli firmasi bu ishga homiylik qildi. Yangi televideniye xizmatidan Bog`dod, Rishton, Oltiariq, Buvayda va Uchko`prik tumani aholisi bahramand bo`lmoqda. Telestudiyaga mo`ljallangan bino qatoridan bosmaxona, suratxona, radiotexnika bilan savdo qiluvchi do`kon ham o`rin olgan.

ҲУРМАТЛИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ!

Сизларнинг кўпгина таклиф ҳамда истакларингизни инобатга олган ҳолда бизнинг корхонамиз Ғарбий Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган юқори сифатли, олий навли



ВИНОЛАР, ШАМПАНЬ ВИНОСИ, ЛИКЁРЛАР, ШУНИНГДЕК, БРЕНДИ

ва бошқа ичимликларнинг кенг

САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

Тўлов усули — турлича.

Бизнинг манзил: 700027, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 45-55-65, 45-70-60.

ДИҚҚАТ ЯНГИЛИК!

Халқ банки Сизга янги иккита энг ишончли ва қулай омонат турларини таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки 1997 йил 1 апрелдан ойига 2 фоиз даромад тўланадиган "Рақамли" ва уч ой муддатли 8 фоиз тўланадиган *"Депозит"* янги омонат турларини жорий қилди.

Сиз *"Рақамли"* ва *"Депозит"* омонатларига пул маблағларингизни қўйиб, қисқа муддат ичида юқори даромад оласиз. Бундан ташқари Сизга "Рақамли" омонати бўйича маблағларингизнинг ўта хуфёна (ананим) сақланиши таъминланади. Омонатингиз тўғрисида Сиз ва ҳужжатларингизни расмийлаштирилган банк ходимигина воқиф бўлади.

Омонатчи ҳар ойлик даромадини олиш ҳуқуқига эга.

Сизга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки, Қатортол кўчаси 46-уй. Маълумотлар учун телефон: 78-53-63.

«УРУҒ» ФИРМАСИ

СУТ ОРИОМЕТРИ
(АМТ-ГОСТ 18-481-81, 20° Цельций 1 кт/м³)
ЁҒ ЎЛЧАГИЧ (ЖИРОМЕР)ЛАР
(ТУ-25-2024019-1888)

СОТАДИ

Мурожаат учун манзилгоҳ: Чирчиқ шаҳри, 9-микрорайон, 32-уй. Телефонлар: (271) 2-38-41,5-08-86. Тошкентда: (3712) 44-31-25.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси таржима назарияси ва амалиёти кафедраси доценти **О. Г. ОВЧИННИКОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.